

Хонзода Абдувоҳидовна МАДАЛИЕВА
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO
кафедраси таянч докторанти
rayxonzoda@mail.ru

ИСЛОМДА ТАВҲИД (яккахудолик таълимоти)

ТАУХИД В ИСЛАМЕ (доктрина монотеизма)

TAWHID IN ISLAM (The doctrine of monotheism)

Аннотация: Ушбу мақолада динларнинг монотеистик, политеистик ва дуалистик динларга бўлиниши, ислом динининг монотеистик дини эканлиги, жоҳилия даврида арабларнинг эътиқоди, санамлар ва улар ҳақидаги олимларнинг фикрлари, тавҳид гоёси ва бу бўйича Қуръони каримда зикр этилган оятлар таҳлили ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Дин, монотеистик ва дуалистик динлар, муқаддаслик, санамлар, жоҳилия даври, тавҳид, Ихлос сураси, ақидада адашган тоифалар.

Аннотация: В данной статье отражен анализ деления религий на монотеистические, политеистические и дуалистические религии, а также тот факт, что ислам является монотеистической религией, верования арабов в эпоху джахилия и мнения ученых о них, идея таухида и его анализ в аятах Корана.

Ключевые слова: религия, монотеистические и дуалистические религии, святость, идолы, эпоха джахилия, таухид, Сурат аль-Ихлас, заблудшие течения.

Annotation: This article reflects the analysis of the division of religions into monotheistic, polytheistic and dualistic religions, as well as the fact that Islam is a monotheistic religion, the beliefs of the Arabs in the era of Jahiliyya and the opinions of scientists about them, the idea of tawhid and its analysis in the verses of the Koran.

Keywords: Religion, monotheistic and dualistic religions, sanctity, idols, the age of ignorance, monotheism, Surat al-Ikhlās, deviant trends.

Диннинг дин сифатида эътироф этилиши учун у албатта, учта муҳим компонентни ўз ичига олиши зарур. Яъни булар:

1. Илоҳ ёки илоҳларнинг мавжудлиги.
2. Илоҳ ёки илоҳлар билан инсонларни боғлаб турувчи культларнинг мавжудлиги.
3. Ибодат қилиш учун махсус бир жойнинг мавжудлиги (ибодатхона).

Динда ушбу компонентлар топилгач, дин сифатида қаралади. Муайян бир динга эътиқод қилувчилар –диндорлар дейилади. Диндорлар эътиқодидан келиб чиқиб, китоблар, жойлар, шахслар, кунлар, ойлар, буюмлар, вақт, ҳайвонлар ва бошқа шу каби нарсалар муқаддас саналиши мумкин. Диндорлар буларнинг барчасини илоҳга боғлиқ бўлгани, уларда маълум бир илоҳийликни сезишгани, ёки бўлмаса илоҳнинг назари тушган, – деб эътиқод қилишгани учун уларни муқаддас ҳисоблайдилар. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, муқаддасликнинг энг биринчи манбаси бу – Илоҳдир.

Олимлар томонидан динлар тарихий, географик, эътиқод қилувчилар сони ва таълимотига қараб турли гуруҳларга бўлишган. Ана шу гуруҳлардан бири бу таълимотига кўра динларнинг монотеистик, политеистик ва дуалистик динларга бўлинишидир.

Монотеистик динлар бу – юнон тилидан олинган “моно”-ягона, “тео” –“Худо” яъни, ягона Илоҳ, яккахудолик ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи динлар демакдир. Бу турга яҳудийлик, хрисиянлик ва ислом динларини киритиш мумкин.

Дуалистик (икки қарама-қарши худо ҳақидаги таълимоти мавжуд) - зардуштийлик ва монийлик динларини, ҳиндуйлик, конфуцийлик динларини эса политеистик (кўпхудолик) динлар сифатида қайд этилади.

Ислом дини монотеистик дин ҳисобланади ва Арабистон ярим оролида VII асрда вужудга келган. Муҳаммад (с.а.в)нинг рисолатлари билан аввал Арабистон ярим оролида сўнг бутун ер юзи бўйлаб тарқала бошлаган. Ислом келгунга қадар, араб диёрларида ҳам кўпгина худудларда бўлгани политеизм ҳукм сурган. Аҳоли орасида Иброҳим (а.с.)дан қолган динга эътиқод қилувчи

ханифлар, яҳудийлик, христианлик ва бошқа дин вакиллари ҳам бўлган, албатта. Бироқ араб қабилаларининг аксар қисми бут-санамларга ибодат қилган, яъни политеист бўлган. Ҳамда уларнинг қилаётган ишлари, бир қатор бузук ақидалари сабаб ҳам, исломдан олдинги даврни “жоҳилия” даври деб аташган. Уларнинг эътиқод қилишига кўра, ўлимдан сўнг ҳаёт йўқ, табиийки гуноҳга жазо ҳам, нариги дунё ҳақида ҳам ҳеч қандай тасаввур ёки ақидалари бўлмаган, бу эса уларнинг фақат бугуни билан кайфу-сафо қилиб юришлари учун асосий сабаб бўлган десак, муболаға бўлмайди.

Ибн ал-Асирнинг келтиришича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Маккани фатҳ этган вақтларида Каъба атрофида 360 та бут-санамлар мавжуд бўлган. Араблар уларга турли қурбонликлар бағишлаб, ўз хоҳиш ва истакларини амалга ошишини сўраб ибодат қилганлар.

Санамлар шу даражада кўп бўлганидан ҳаттоки ҳар бир қabila ёнки ҳар бир оиланинг ўз санами бўлган. Араб қабилалари ўртасида низо чиқиб, уруш бўладиган бўлса, мағлуб тараф ғолибнинг санамига ибодат қилиши керак бўлган. Арабистондаги машҳур бут-санамлар сирасига Лот, Уззо, Манот ва Ҳубалларни киритиш мумкин. Қуръони каримда ширк келтирилмаслиги ва аёл санамлар ҳақида шундай дейилган:

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани, кимни хоҳласа кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, қаттиқ адашган бўлур. Улар Ундан бошқа фақат аёл санамларга ибодат қилурлар ва фақат бебош шайтонга ибодат қилурлар” (Нисо сураси, 116-117) [4:620].

Жоҳилият даврида юқоридаги аёл бут-санамларни Аллоҳнинг “қизлари” деб ҳисоблашар, шаклини аёллар тимсолида ясаб, аёлларнинг исмларини беришган эди. Юқоридаги оятда ҳам уларнинг бу иши ўз аксини топган. Шунингдек, Қуръони каримда яна қуйидаги оятлар ҳам уларнинг бузук ақидалари ҳақида хабар берган:

“Лот ва Уззони ўйлаб кўрдингизми? Ва бошқаси учинчиси –Манотни ҳам (ўйлаб кўрдингизми)? ... У(бут)лар сиз ва ота-

боболарингиз қўйган номлардан ўзга ҳеч нарса эмас. У(мушрик)лар, Роббиларидан ҳидоят келганига қарамай, гумон ва ҳавойи нафс хоҳишига эргашарлар, холос” (Нажм сураси, 19-20,23). Лот, Уззо ва Манотлар энг “обрўли” бутлар бўлгани учун Қуръонда мушрикларнинг ақидалари хато бўлганлигини таъкидлаш мақсадида номи зикр қилинган келтирилган [4:632-633]. Кейинги оятда кўришимиз мумкинки, буларнинг барчаси улар ва ёки ота-боблари томонидан қўйган номдан бошқа нарса эмаслиги, ҳамда Пайғамбар (с.а.в.) исломга даъват этишларига қарамай ўзларининг нафслари буюрганини қилишлари маълум бўлади.

Манотга қурайшликлар, Лотга Тоиф аҳли, Уззога Наҳла водийси аҳли сиғинган [7:6]. Беруний санамлар ҳақида шундай ёзган: “Араблар санамларни Шомдан ўз ерларига кўчиргач, бизни тангрига яқинлаштирар, деб уларга юнонлар сингари ибодат қилганлар” [1:104]. Улар Аллоҳни ҳам тан олган, бироқ Уни яқка илоҳ деб эмас, балки олий Илоҳ сифатида қарашган ва Унга тўғридан тўғри ибодат қилиш ўрнига ушбу санамлар воситасида ибодат қилганлар. Мисол тариқасида, ўша давр араблари орасида ҳам “валлоҳи”, яъни “Аллоҳга қасамки”, ёки “бисмика Аллоҳумма” - “Аллоҳнинг номи ила” каби сўзларни тез-тез ишлатганлар. Улар Аллоҳни ягона илоҳ деб билмаганликлари ва Унга санамларни шерик қилганликлари учун уларни “мушрик” деб аташган ва Қуръони каримда ҳам улар “мушрик” дея хитоб қилинган. Улардан нима учун ушбу ўз қўллари билан турли буюмлардан ясалган бефойда санамларга сиғинишгани ҳақида сўралганда: **“Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қиламиз”** (Зумар сураси, 3) [4:192], бошқача қилиб айтганда, “Аллоҳ ва унинг бандаси ўртасидаги воситачи сифатида” [3:376], -деб айтишган.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарликни айнан, Аллоҳнинг ягоналиги, унинг шериги йўқлиги тўғрисидаги ислом ақидасини кенг ёйиш билан бошлади. Ислом динига “Ашҳаду ан лаа илааҳа иллАллоҳ...” (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ)

дея бошланувчи шаҳодат калимасини айтиш билан илк қадамнинг қўйилиши ҳам бежиз эмас. 630 йилда Макка фатҳ этилиши биланок Набий (с.а.в.)нинг биринчи амалга оширган ишлари Макка ва унинг атрофида жойлашган 360 та бут-санамни йўқ қилганлар. Шу тариқа Маккадаги бутпарастликка барҳам берилган ва “тавҳид” ғояси Бошқа ҳудудларга ҳам кенг тарқала бошлаган.

Тавҳид-“ваҳадда” феълидан ясалган бўлиб, луғатда бирлик ва ягоналикни билдиришда ишлатилади. Шаръий истилоҳда эса тавҳид исломда Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир [2:41].

Пайғамбар (с.а.в.) га “Ихлос” сураси нозил бўлишининг асосий сабаби ҳам Аллоҳ таолонинг зоти ва сифати ҳақида мушрикларнинг берган саволларига аниқ ва тўлиқ жавобдир. Ҳамда пайғамбар (с.а.в.)нинг ушбу сурани Қуръоннинг учдан бирига тўғри келишини айтганликлари эса, бу сурадаги оятларнинг нақадар улуғвор, ва маъноси улкан эканлигини англатади.

“Қуръони каримнинг асосий мақсади учга бўлинади:

А) Аллоҳнинг тавҳиди, ягоналиги исботи ва ақийдани тузатиш.

Б) ибрат, ислоҳ ва ўрнат олиш учун келтирилган қиссалар.

В) Шариат ҳукмлари” [4:561].

Ихлос сураси ушбу мақсадларнинг биринчисини ўзида акс эттиргани учун ҳам баъзан “Тавҳид” сураси деб юритилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тафсири ҳилол” китобларидаги “Ихлос” сураси тафсирида қуйидагиларни зикр қилганлар:

“...кўпгина бузуқ эътиқодларга раддия бор, жумладан:

– мушрикларнинг, фаришталар – Аллоҳнинг кизларидир, деган эътиқодига;

– яҳудийларнинг, Узайр –Аллоҳнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

– насороларнинг, Ийсо –Аллоҳнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

– туғилиб ўсган нарсаларни, хусусан, ҳайвон ёки одамларни илоҳ деб эътиқод қилувчи барча тоифаларнинг эътиқодларига”.

Аниқ далиллар ёрдамида диний эътиқод асослаб бериш билан шуғулланадиган илмга “тавҳид илми” дейилади. У ақидавий масалаларни ўрганади.

Юқорида келтирилганидек, ислом динида ёлғиз Аллоҳгина муқаддасдир, инсонлар муқаддаслаштирилмайди. Ўзбекистон илк мустақилликка эришган пайтларида омма орасида авлиёлардан турли эҳтиёжларини сўраб турли ҳолатларга тушиш, қабрларини бир неча маротаба айланиб қабр устига дуррачалар ташлаш каби бидъатлар кўпайганди. Бора-бора аҳоли орасида тушунтириш ишларининг мунтазам олиб борилиши ва зиёрат одобларининг кенг тарғиб этилиши бу каби ҳолатларнинг камайишига олиб келди, аммо бутунлай йўқ бўлган деб айта олмаймиз, сабаби бу каби ҳолатлар баъзан аҳоли ўртасида кузатилмоқда. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан сўнг аста-секин турли ихтилофлар юзага келиш бошланди ва ҳозир ҳам бу ҳолат давом этиб келмоқда. Набийлар ва авлиёлар борасида нотўғри ақидаларни илгари сурувчи, Аллоҳнинг Зоти ва сифатларида ғулувга кетган тоифалар пайдо бўлди.

Набийлар ва авлиёлар борасида нотўғри ақидани илгари сурадиган “барлавийлар” тоифаси Муҳаммад (с.а.в.)ни ҳар ерда ҳозир-нозир деб, ҳаттоки, илоҳ даражасигача кўтаришган.

“Ҳозирги кунда глобал муаммолардан бирига айланган ақидапараст оқим ғояларига қарши иммунитетни шакллантиришда Умар Насафийнинг “Ақоид” асари ва унга ёзилган шарҳлар катта аҳамият касб этади. Чунки олим Султон Санжар ибн Маликшоҳ (511/1118-552/1157йй.) топшириғига биноан аҳли сунна вал жамоа таълимотининг адашган оқимларга нисбатан далилларини ёритиб бериш учун “Ақоид” асарини ёзган. Насафий унда XI–XII асрларда мотуридийлик таълимотини ёритиш орқали мўътазилия, жаҳмия, жабария каби ўндан зиёд мутаассиб оқимлар ва моддапарастларга раддиялар берган” [6:5].

Шундай экан, замонавий воқелик динга, диндорларнинг ҳис-туйғуларига чуқур ҳурмат, айна пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йўналишларнинг ғаразли мақсадларига қарши мунтазам ва изчил кураш дин ҳамда диний муносабатлар соҳасида олиб бораётган ишларнинг ўзагини ташкил этмоғи лозимлигини кўрсатмоқда. Шундагина, эл-юрт тинчлиги, ижтимоий тараккиёт таъминланади, дин маънавиятнинг юксалишига, кишилар онгида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи устуворлигини таъминлаш, мулк хилма-хиллиги, моддий фаровонликка интилиш шароитида поклик, диёнатлилик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик каби фазилатларнинг турмуш ва тафаккур тарзининг узвий қисмига айлантиришга хизмат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом монотеистик, яъни яккухудоликка асосланган жаҳон динлари орасидаги энг ёш дин саналади. Ислом ақидасига асосан, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига имон келтириш имоннинг асосини ташкил этади. Унинг буюрганларини қилиш, қайтарганларидан қайтиш билан инсон ўзи учун охират манзилини ҳозирлайди. Аллоҳ томонидан пайғамбар этиб тайинланган зотлар (а.с.) Унинг ягоналигини бутун инсониятга етказиш учун юборилгандирлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар // Ҳиндистон. –Т.: “Фан”, 1965. –Б.104.
2. Ақидатут-Таҳовия шарҳининг талхйиси /Тарж: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2014. –Б.41
3. Илк ислом тарихидан маърузалар (Матн) / А.Ҳасанов. –Т.: “Мовароуннаҳр”,2017. -376 б.
4. Тафсири Ҳилол/Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. .Т.: “Ҳилол нашр”, нашриёти, 2012. –Ж.1,5,6.
5. Alimova, Mahfuza and Nigmatullayev, Ibrohim (2019) “CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES,” *The Light of Islam: Vol. 2019.: Iss. 1 , Article 13.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/ vol2019/iss1/13>
6. Alloqulov, Abdullatif (2020) “ROLE OF NASAFT’S “AQAIID” IN THE STRUGGLE AGAINST IDEAS OF MODERN FANATICAL MOVEMENTS,” *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 1.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/1>
7. KUSHBAYEV, Farrukh (2018) “THE SOCIAL, ECONOMIC AND RELIGIOUS LIFE OF THE CITY OF MECCA BEFORE ISLAM,” *The Light of Islam: Vol. 2018:Iss.4,Article1.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss4/1> 6-бет
8. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.
9. Религиоведение. / Под ред. М. М. Шахнович – СПб.: Питер, 2012. –448 с.
10. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 414 с.